





TA'LIM FIDOYILARI

RESPUBLIKA ILMIY-USLUBIY JURNALI

2021-YEAR



WWW.TALIMFIDOYILARI.UZ

Google Yandex

VIRTUAL
JOURNAL



ILMIY NASHRLAR MARKAZI


«TA'LIM FIDOYILARI»

ILMIY-USLUBIY JURNALI

BARCHA SOHALAR BO“YICHA

9 – SON, 1 – JILD SENTABR – 2021²¹ yil

1 - QISM



WWW.TALIMFIDOYILARI.UZ

TAHRIRIYAT

Editor in chief

Abdurahmonov Abdushokir Abdukarimovich

Bosh muharrir

Abdurahmonov Abdushokir Abdukarimovich

Preparing for publishing

Hakimova Aziza Xaydaraliyevna

Nashrga tayyorlovchi

Hakimova Aziza Xaydaraliyevna

TAHRIR KENGASHI A'ZOLARI

Vahob Rahmonov

O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi a'zosi

Qobil Kubayev Umarovich

Guliston davlat universiteti, dotsent

Jo 'rayev Hamza Hamroqulovich

Mirzo Ulugbek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti, dotsenti

Asqarova O''g'ilxon Mamashokirovna

Namangan davlat universiteti "Pedagogika va psixologiya" kafedrasi mudiri, dotsent

To ''xtaboyev Moxirjon Raximjonovich

Namangan MOK ilmiy-axborot tatqiqotlar bo''limi boshlig''i

Qambarov Ma''ruf Abduhakimovich

Sirdaryo viloyati XTB metodika bo,,limi rahbari

Tashpo ''latov G''ofurjon G''ulomovich

Filologiya fanlari nomzodi

Usmonova Umida Aybekovna

Pedagogika fanlari bo''yicha falsafa doktori

Xurramov Sanjar Ravshanovich

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat

boshqaruvi akademiyasi mustaqil tadqiqotchi

G''ulomjonov Odiljon Raximjon o''g''li

Andijon Davlat Universiteti

Navoiy Davlat stipendiyasi sohibi



УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРДА “ТАРБИЯ” ФАНИГА МУСИҚАНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШДА КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ

Кодирова Феруза Усмановна
Тошкент вилояти Чирчик давлат

педагогика институти

Дефектология кафедраси мудири,

педагогика фанлари доктори, профессор.

Мухитдинова Малоҳат Сайджабборовна
Тошкент вилояти Чирчик давлат

педагогика институти

Мусиқа таълими кафедраси катта
ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада умумтаълим мактабларда “Тарбия” фани ўқитиши жараёнига мусиқани интеграциялаш масалалари ЧДПИ Мусиқа таълими кафедраси илмий- тадқиқот лойиҳаси доирасида кўриб чиқилган. Калит сўзлар: интеграция, бадиий образ, мусиқий тарбия, тарбия фани. Кириш. Тарбияга янгича, тизимли ёндашув, болада таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда оила, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта маҳсус касб-хунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришни ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтаришни тақозо этади.

Педагогик таълим инновацион кластери амалиётга муваффақиятли кириб келмоқда. Чирчик давлат педагогика

институти илмий ишлар режаси билан боғлиқ равишда Мусиқа таълими кафедрасида “Тарбия фанига мусиқанинг интеграциялаш методларини такомиллаштириш” мавзусида илмий тадқиқот иши олиб борилмоқда. Тадқиқот давомида ёш авлод тарбиясига оид масалалаларни ҳал этишда ҳам бу ёндашув ўринли деган хулосага таянган ҳолда педагогика тарихи, ҳалқнинг ижтимоий-тарихий, ҳаётий-маиший тажрибасига назар ташладик. Ҳалқимизда “Бир фарзандга етти маҳалла ота-она”, “Маслаҳатли тўй тарқамас”, “Балиқ сув билан тирик, Одам — эл билан“, “Элга қўшилганинг кўнгли тўқ, Элдан ажralганинг бети йўқ” каби мақоллари тарбияга кластер ёндашув ҳалқимизда азалдан мавжуд эканлигидан далолат беради. Мусиқа ўзи нима? Қуйидаги таърифни келтирамиз: мусиқа - бу турли мақсадларда янграйдиган овозли сигналларнинг универсал инсоний динамик тизими. Олим, ёзувчи, нейробиология, когнитив фанлар соҳаси мутахассиси - Чангизий, мусиқа тил ва ўқиши билан бирга иптидоий мавжудотни одамга айлантирган деган фикрни илгари суради. Ушбу таърифга кўра, инсон мусиқий жонзотдир.



Ta'sim fidoyiları-Respublika ilmiy-metodik jurnalı



Guvochnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс @ mail

(Марк Чангизий одам ва машиналарнинг билиш қобилиятини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот институтининг асосчиларидан биридир. У асос солган дастурлардан бири доирасида тиббий диагностика учун эмоционал ҳолатни аниқлайдиган спектрал кўзойнак ихтиро қилинганд).

Инсон мусиқий товуш ҳосил қила оладиган ягона жонзот емас, аммо бундай фаолият инсонпарварлаштиришга мойиллик деб талқин қилиш мумкин. Қушлар, сичқонлар ва китлар кўшиқ куйлашади, гориллалар дуэтлар ижро этишади, тюленъ ва филлар усулда, ритмик ҳаракат қилишади ва ҳоказо. Ушбу мисолларга қарамай, Ер юзида бу қадар мусиқа садолари илҳомлантирадиган, онгини чулғаб оладиган ва ҳаяжонлантирадиган бошқа мавжудод йўқ. Ҳеч ким инсончалик оҳангдор ноталарни ёзиш ёки ижро қилиш учун бунчалик кўп ҳаракат қилмайди; фақат инсон қимматбаҳо энергия ва вақтини мусиқа чолғуларини ясаш, мусиқий ансамблларни яратиш, якка ижрони такомиллаштиришга сарфлайди. Шу билан бирга бошқа мавжудотларда мусиқани англаш, мусиқани ихтиро қилиш ва ундан роҳатланиш қобилияtlари йўқ деб таъкидлаш ноўриндир. Бу ғайри табиий. Агар шундай бўлганида, инсон ўзга сайёралик бўлиб қолар эди.[3]

Мусиқий тарбия - барча эстетик ва ахлоқий тарбиялар шакллантирадиган асос.

Бу баркамол ва баҳтли инсонни камол топтиришда муҳим жиҳатдир. Бунга Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Мусиқа таълими кафедрасида педагогик таълим кластери асосида амалга ошираётган ўқув, илмий-тадқиқот, маънавий- маърифий ишлари мисол бўла олади.

Мусиқа таълими кафедраси Педагогик таълим инновацион кластери доирасида Чирчиқ шаҳридаги ҳамкор таълим муассасалар: 2- умумтаълим мактабидаги “Мусиқа-қудратли фикр манбай” номли мактаб-лаборатория, 30-ихтисослаштирилган қўптармоқли мактабгача таълим ташкилотида ”Мусиқий экспериментал лаборатория: ўйла, излан, ижод қил” боғча-лаборатория тажриба майдонларида мусиқий ривожлантирувчи, ҳаракатли ўйин машғулотлари каби экспериментларни салмоқли қисмини ўз ичига олади.

Шу билан бирга кафедранинг Педагогика факультети таркибида Чирчиқ шаҳри 8- умумтаълим мактабида 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб 1-11-синфлар учун ўқитиладиган “Тарбия фанига мусиқанинг методларини интеграциялаш таъкомиллаштириш” лойиҳасининг



Ta'sim fidoyiları-Respublika ilmiy-metodik jurnalı



Guvochnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс @ mail

татбиқ этилиши тарбияда кластер ёндашув масаласини тажрибада кўриш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сонли “Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри 8-умумтаълим иштирокида Институтнинг педагогик таълим инновацион кластери фаолияти йўлга қўйиш белгиланган. Ушбу хамкорлик доирасида мактаб ўқувчиларининг ёши ва психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг онгига умуминсоний қадриятлар ва юксак маънавиятни янада чукур сингдириш, уларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, умумий ўрта таълим муассасасида маънавий-тарбиявий ишларни янгича ташкил этишда кўмаклашиш мақсадида Чирчик давлат педагогика институти Педагогика факультети Мусиқа таълими кафедрасининг “Тарбия фанини ўқитиши жараёнига мусиқани интеграциялаш методикасини такомиллаштириш” педагогик таълим инновацион кластери лойиҳаси белгиланди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг “Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2021-2022-йкув йилига мўлжалланган таянч ўқув режани тасдиқлаш тўғрисида буйруғига кўра, “Тарбия”

фани 1-11-синфларда ҳафтасига 1 соатдан ўқитилади. “Миллий ғоя”, “Одабнома”, “Дин тарихи”, “Ватан туйғуси” каби фанлар негизида ягона “Тарбия” фани жорий этилди. “Тарбия” дарслари амалиётга йўналтирилиб, болани муваффақиятли мустақил ҳаётга тайёрлашни асос қилиб олган. Шунингдек, ўқувчини соғлом турмуш тарзи, вақт ва ресурслардан унумли фойдаланишга ўргатади. Аҳлоқ, умуминсоний ва миллий қадриятларга хурмат, фаол фуқаролик, мақсад қўйиш ва интилиш кўнижмалари машғулотлар орқали шакллантирилади.[1]

Бугунги кунда ривожланган давлатларда ёшлар билан ишлашнинг янгича моделларини яратишида инновацион механизм ва технологияларни қўллашга доир кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Шиддат билан ўзгараётган дунёда ўқувчи-ёшларни муваффақиятли ижтимоий ҳаётга тайёрлашда масъулият, мажбурият, хуқуқий онг ва хуқуқий маданият, теран дунёқараш, соғлом эътиқодлилик, маърифатлилик, диний ва миллий бағрикенглик, маънавий, фуқаровий, маданиятлараро, ижтимоий каби фазилатларни шакллантириш кун тартибидаги асосий масалаларга айланиб бормоқда.[4]



Ta'sim fidoyiları-Respublika ilmiy-metodik jurnalı



Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс @ mail

Шу боис ёшлар тарбиясига бевосита таъсир кўрсатадиган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» туркумига кирувчи фанларни ўқитиш таълим жараёнига янгича ёндашувни тақозо этмоқда. Бу ёндашувлардан бири мусиқани “Тарбия” фанини ўқитиш жараёнига интеграциялашдир. Унинг зарурияти: умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг “Тарбия” фани бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини янада кучайтириш учун кластерли ёндашув шаклларидан фойдаланишдир.

ИНТЕГРАЦИЯ (лот. integratio — тиклаш, тўлдириш, integer — бутун сўзидан) — таълимда фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро алоқа жараёни дифференция билан бирга кечиши маъносини англатади.[2]

Ўсиб келаётган авлод учун мусиқий тарбиянинг аҳамиятини ниҳоятда мухим эканлигини қадимий мутафаккирлар алоҳида урғу билан таъкидлашган. Келажак жамият аззосининг инсоний ва ижобий фазилатлари айнан болалиқдан бошлаб шаклана боради. [5] Замонавий илмий изланишлар натижасида фанлараро интеграциядан маълум фан факат бойитилиши исботланмоқда. Масалан, Россия олим Н.Платишева мусиқани физика фани ўқитилиш жараёнига киритилиш дарслар тизимини таклиф қиласди. Дарсларда маълум эмоционал иқлимини яратиш учун Бах, Бетховен, Шопен, Чайковский, Мусоргский ва бошқаларнинг мусиқий асарлари тингланади. Унинг таъкидлашишича юқори

анъаналардаги мусиқани киритилиши дарсларда юқори маънавий мухитни шакллантиради.[2]

Мусиқанинг ноёб қобилияти шундаки, унда болаларнинг дунёни ҳиссий, ёрқин образлилик асосида мукаммалроқ тафаккур этишга, мулоқотнинг янги шаклларига мурожаат қилишларига ёрдам беради. Бу эса бир вақтни ўзида фикрлаш ва ҳис қилиш қобилиятини шакллантиради.[2]

Лойиҳанинг илмий янгилиги - мактабда Тарбия фанига мусиқанинг интеграцияланиши таълим жараёнида санъатнинг гуманистик потенциалидан фойдаланиш, унинг таълимий вазифаларини маънавий, аҳлоқий эстетик ва шахсий тарбия билан бирлаштириш қобилиятига қаратилган. “Тарбия фанини ўқитиш жараёнига мусиқани интеграциялаш методикасини такомиллаштириш” лойиҳаси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг педагогик таълим инновацион кластери илмий-амалий тадқиқотлар йўналишига мос ва мавзунинг улар билан боғлиқлиги куйидагилар билан белгиланади:

- Педагогик таълим инновацион кластери субъектлари (8-умумтаълим мактаб ва Мусиқа таълими кафедраси) ўртасида ҳамкорлик механизmlари, метод ва шакллари ишлаб чиқилади ва



Ta'sim fidoyiları-Respublika ilmiy-metodik jurnalı



Guvochnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс @ mail

- мавзу Институтнинг бош илмий мавзуси доирасида тадбиқ этилади ва унинг натижасида амалий ишланмалар, методик қўлланмалар яратилади;
 - Тошкент вилояти умумтаълим мактабларида Тарбия фанига мусиқани интеграциялаштирилган Мастер-класс очик дарслари ўтказиб берилади, олинган тажрибалар оммалаштирилади;
 - Институтнинг профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари мазкур синфларнинг машғулотларига жалб қилинади;
 - лойиха сўнгига натижалар умумлаштирилиб илмий-амалий таҳлили ишлаб чиқилади;
- Лойиха мақсади: Мусиқа таълими кафедраси “Тарбия фанини ўқитиш жараёнига мусиқани интеграциялаш методикасини такомиллаштириш” лойиҳаси ёрдамида Чирчик шаҳар 8-умумтаълим мактабида Тарбия фанини ўқувчилар томонидан чуқур эгаллашига кўмаклашиш; ҳамкорликдаги ишлар ижобий натижаларини Республика миқиёсида умумтаълим мактаблар амалиётига татбиқ қилиш; “Тарбия фанини ўқитиш жараёнига мусиқани интеграциялаш методикасини такомиллаштириш” лойиҳасининг асосий вазифаларини қўйидагилар ташкил қиласди:
- музиқани гуманитар фанларга интеграциясини амалга оширишда педагогик таълим инновацион кластерли ёндашув самарадорлигини илмий асослаш;

- Тарбия фани 1-11-синфлар ўқув дастурлари ўрганиб чиқиш ва танлов асосида дарс мавзуларига комплекс ишланмалар, методик қўлланмалар, видео-дарслар яратиш, босқичма босқич амалиётга татбиқ этиш;
- лойиҳа натижалари асосида илмий-назарий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Лойиҳа обьекти сифатида Чирчиқ шаҳри 8-умумтаълим мактаби 1-11-синфларда Тарбия фани ўқитилиш жараёни белгиланди.

Тадқиқот предмети: Тарбия фанини ўқитиш жараёнига мусиқани интеграциялаш методикасини такомиллаштириш мазмуни, шакл ва воситалари.

Ушбу лойиҳанинг илмий аҳамияти қўйидагилардан иборат:

-музиқани таълим-тарбиянинг муҳим воситаси сифатида гуманитар фанларга интеграциялаш орқали ўқувчи ёшларни умумий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади;

-Олий таълим муассаси ва мактаб ўртасидаги ҳамкорлик шу пайтгача касбга йўналтириш ишлари билан чекланиб келган. Ушбу лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида Институт ва мактаб ҳамкорлигига кластерли ёндашув ички ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари аникланади, ҳар томонлама ривожланади;



Ta'sim fidoyilar - Respublika ilmiy-metodik jurnalı



Guvochnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс @ mail

Лойиҳанинг амалга оширилишидан кутиладиган натижалар:

-“Тарбия фанини ўқитиш жараёнига мусиқани интеграциялаш методикасини такомиллаштириш” лойиҳаси қуидаги натижаларга эришиш мўлжалланмоқда:

- Тарбия фани билан мусиқа санъати ўртасидаги умумий мавзуларни комплекс ишланмалар асосида ўқитилиши;

- бу фанни ўқитишда ижодий ва креатив ёндашув йўл-йўриқлари аниқланиши;

- ёш авлодни билимли ва маънавий етук қилиб тарбиялашда ижодкор, ўз устида тўхтовсиз ишлайдиган ўқитувчиларни фанларни ўқитищдасанъатнинг ноёб имкониятларидан фойдаланишга ундаш;

- лойиҳанинг илмий-амалий натижалари асосида бошқа таълим лойиҳалари, илмий-тадқиқот ишларини белгилаш;

- Мусиқа таълими кафедраси профессор-ўқитувчиларнинг илмий-амалий фаолиятини “Тарбия фанини ўқитиш жараёнига мусиқани интеграциялаш методикасини такомиллаштириш” лойиҳаси фаолияти орқали жонлантириш кутилмоқда.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси – “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичмабосқич амалиётга жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”- Тошкент ш., 2020 йил 6 июль, 422-сон.

2. Егорова А.М. – “Интеграция музыки с учебными дисциплинами образовательного процесса”- “Издательство Молодой учёный” июнь 2010, Чита, ISSN 2072-0297, стр 321-324 3. Виктория Уильямсон «Мы – это музыка. Как музыка влияет на наш мозг, здоровье и жизнь в целом»- Москва; 2016 ISBN 978-5-00057-660-1

4. Мухитдинова М.С-“Педагогика олий таълимда бакалаврларни тайёрлашда учраб турадиган муаммолар ва уларнинг ечиш йўллари”- Science and Education, December 2020 / Volume 1 Special Issue 4, c241-248

5. Mahkamova SH.R., Asadullayeva M.A.-“Yoshlarni ma`naviy tarbiyalashda qo’shiqchilik san’atining tutgan o’rn”- PUBLIC EDUCATION SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL MINISTRY OF PUBLIC EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN, 2020



Ta'lism fidoyilar - Respublika ilmiy-metodik jurnali



Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс @ mail

BO`LAJAK MUSIQA O`QITUVCHILARINING KASBIY TAYYORGARLIGINI TAKOMILLASHTIRISHDA KLASTERLI YONDASHUV MASALALARI.

Muxitdinova Malohat Saidjabborovna
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika
instituti, Musiqa ta`limi kafedrasi katta
o`qituvchisi

Annotatsiya. Maqola talabalarini kasbiy tayyorlashning shartliligi masalalariga bag'ishlangan. Bo`lajak mutaxassisning musiqiy-pedagogik faoliyati mohiyati va mazmuni, musiqaviy-ijrochilik kompetensiyalar tarkibi haqida mushohada yuritilgan. Shuningdek, amaliyatga yo`naltirilgan ta`lim muhitini yaratuvchi yechimlardan klasterli yondashuv yo`l-yorig`i taklif qilingan

Kalit so`zlar: kasbiy tayyorgarlik, musiqiy-pedagogik faoliyat, ta`lim klasteri, kompetensiya, professional mutaxassis, zamonaviy musiqa o`qituvchisi. Kirish. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan yagona ta`lim siyosatining hududlar kesimidagi ijrosi oliy ta`lim tizimining innovatsion komponentlarini samarali rivojlantirish va ta`lim xizmatlari bozorida raqobatbardoshlikni ta'minlashga ehtiyoj mavjudligini ko`rsatmoqda. Xususan, bugungi kunda pedagogik ta`lim tizimida shunday yangi mexanizm yaratilishining hayotiy zaruratga aylanishi

unda ta`lim turlari o`rtasida o`zaro nazorat, raqobat, integratsiya, uzviylik va uzluksizlikning ta'minlanishi natijasida manfaatlarning qondirilishiga erishish

zaruratini namoyon qilmoqda. Pedagogik ta`limning jamiyat barqaror rivojlanishidagi ushbu muhim ijtimoiy ahamiyatidan kelib chiqqan holda zamonaviy talablar, tizimdagи muammolar hamda ularni hal qilishda fan va ta`lim bo`g`inlari o`rtasidagi tarqoqlik bugungi kunda uzluksiz pedagogik ta`limni klaster rivojlanish modeliga o`tkazish zaruratinibelgilaydi [2]. O`zbekistonda ta`limini modernizatsiya qilish sharoitidagi

vazifalardan biri bu - asosiy ta`limning innovatsion xususiyatini ta'minlash, shu jumladan, innovatsion rivojlanish vazifalariga muvofiq ta`lim tashkilotlari tarmog'ining tuzilishini yangilash, kompetensiya asoslangan yondashuvni ta'minlash, akademik bilimlar va amaliy ko`nikmalarning o`zaro aloqasi, zamonaviy kadrlar tayyorlash va o`qitish malakasini oshirishning zamonaviy tizimini yaratish.[1]

Hozirgi kunda, maktab o`quvchisi uchun ta`lim sifatini oshiradigan muhitni yaratish va o`sha muhit talablariga javob bera oladigan zamonaviy o`qituvchini tayyorlash ehtiyoji nihoyatda dolzarblashdi.

Zamonaviy sharoitda ta`lim-tarbiya amaliyotini takomillashtirish uchun jamiyat talablariga moslasha oladigan, yosh avlod bilan samarali ishslashga qodir ijodkor musiqa o`qituvchi shaxsiga talab ham dolzarblashmoqda.



Ta'lism fidoyilar - Respublika ilmiy-metodik jurnali



Guvochnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс @ mail

Adabiyotlar tahlili va metodologiya. Mamlakatimizda pedagogik ta'lism klasteri va uning amaliyatga tatbiqi muammosi alohida tadqiqot ob'ekti sifatida keyingi yillarda o'r ganilmoqda. Xususan, ta'lism klasteri pedagogikamizda integratsiya va uzlusizlik bilan bog'liq yangi innovatsion yo'nalish hamda uning amaliyatga tatbiq qilinishi pedagogik ta'linda raqobatbardosh kadrlar tayyorlash omili ekanligi G'.I.Muhamedov, Sh.Q.Mardonov, U.Xodjamqulov, X.Sultonov, S.Toshtemirova, N.Koshanova, Q.Mahmudovlarning tadqiqotlarida muayyan darajada yoritilgan. Muammoga yondosh bo'lgan yo'nalishlarda, xususan: uzlusiz ta'lism tizimining tashkiliy-pedagogik omillari, ta'lism tizimini mazmun va shakl jihatdan takomillashtirish mexanizmlari R.Eshchanov, G.Bobojonova, D.Bekchanov, M.Quronov, R. A. Mahmudov, R. Sh. Ahliddinov, Yu. N. Abdullaeva; ta'linda uzviylik va uzlusizlikni ta'minlash, ta'lism turlariaro integratsiyani kuchaytirish B. S. Abdullaeva, N. X. Raxmonqulova, D. Sh. Yakibova, M. I.Toshpulatova, A.A.Jumanov, R.B.Adizov; fanlararo aloqadorlikni ta'minlash va ta'lism muassasalarining ilmiy-uslubiy hamkorligining tashkiliy jihatlari N.M.Abdullaeva, G.Sh.Fayzullaeva, O. K. Abdurahmonovlarning ilmiy tadqiqotlarida o'z aksini topgan.[2]

Ma'lumki, pedagogik amaliyot talabalarning kasbiy tayyorgarligini eng muhim bosqichlaridan biridir.

"Musiqa ta'limi" yo'nalishi bakalavrлari uchun pedagogik amaliyotni o'tkazishdan maqsad: talabalarning ilmiy-nazariy va amaliy mashg'ulotlari o'rtasidagi bog'liqlikni ta'minlash; kasbiy pedagogik faoliyatning dastlabki tajribasini egallahdir.

Oxirigi yillarda Musiqa ta'limida professional kadrlarni tayyorlash muammosi qator olimlarning diqqat e'tiborida. Ular o'z tadqiqotlari ishlarida, maqola va tezislardagi g`oyalalari, yaratgat o`quv qo'llanmalari ta'lism rivojiga o'z hissasini qo`shmoqda. Q.B. Panjiyev ("Musiqa ta'limi fanlarining innovatsion taraqqiyoti va rivojlanish strategiyalari", Toshkent, 2021), Р.Г.Кадыров ("Музыкальная педагогика", Тошкент, 2009, "Musiqa psixologiyasi"- Toshkent, 2005), G.S. Sharipova ("Musiqa va uni o`qitish metoidikasi", Toshkent, 2004),

Э.Н. Шаинская, С.Ф. Дебердеева, И.С. Глиндеман, Х.Мадрахимова ("Узбекская классическая, профессиональная музыка

устной традиции – маком на уроках музыкальной культуры в 5-7 класса", Тошкент, 2002) kabi tadqiqotchilar tomonidan ilk qadamlar qoyilgan, lekin bu yetarli emas.[7] Musiqiy oliv ta'lim

pedagogik amaliyoti masalalari umumiyl pedagogika doirasida ko`rib kelingan.

Vaholanki, musiqa o`qituvchisi kasbining o`ziga xosligi shundaki, bu kasb musiqiy ijrochilik va pedagogik mahorat ko`nikmalarini birdek egallahni taqqozo etadi. Bu borada aynan klasterli yondashuv samaraliroq bo`lishi imkoniy yuqoriyoq.



Ta'slim fidoyilar - Respublika ilmiy-metodik jurnali



Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс mail

Muhokama. Tarixiy jihatdan musiqachilarning pedagogik amaliyotida ijro kompetensiyasi to'g'risida ikkita fikr mavjud. Ulardan biri o'qituvchidan musiqiy asbobda ijro etish bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarning butun majmuasiga majburiy

egalik qilishni talab qiladi. Ikkinchisi esa cholg'u asbobini mahorat bilan ijro etish va ijro malakasi o'rtasida to'g'ridan-to'g'ri bog'liqlik bo`lmaydi. Birinchi nuqtai nazar konsert faoliyatida doimiy ishtirok etadigan va saxna ijodkorligini talabalarni kasbga o'rnatish bilan birlashtira oladigan o'qituvchini tan oladi. Ikkinchisi esa yuqori malakali ijrochi bo`lmay turib bo'lajak ijrochini tayyorlashda ishtirok etadigan musiqa o'qituvchisini nazarda tutadi.[6]

Hayot har ikkala turdag'i o'qituvchilarning (o'qituvchi-ijrochi va o'qituvchi-musiqachi) yuqori pedagogik yutuqlarining yorqin misollarini keltiradi. Bugungi kunda ko'plab taniqli musiqachilarni tarbiyalagan ajoyib ijrochilar va o'qituvchilar, masalan, uzoq vaqt poytaxt savnalarini tark etmagan professorlar G.G. Neygaus, D.F. Oystrax, N.A. Malko, T.A. Dokshitser, P.I. Necheporenko. Professional musiqa ijrochilik ijodini pedagogik faoliyat bilan birlashtirish zarurligi haqida 1916 yilda Saratov konservatoriyasidagi yakuniy imtihonlardan so'ng B.L. Yavorskiy asoslab bergen. U oly musiqa ta'linda "tovush hosil qilish fanlari o'qituvchilari emas, balki faqat

musiqachi arboblar dars bermoqlari lozim" deb yozgan.[4]

Shunga qaramay, o`zлari buyuk san`atkor bo`lmay turib, saxnada cholg'u ijrochilik mahoratini namoyish qilmay yuqori

pedagogik natijalarga erishayotgan cholg'u ijrochiligi fanlari o'qituvchilari misollari mavjud (xuddi shunday teskari holatlar, har

bir ajoyib ijrochi ham avtomatik ravishda samarali o'qituvchiga aylanmaydi). Bunday pedagogik iste'dodning namunasi Ukrainianadagi xalq cholg'u asboblarida ijro etish akademik maktabining asoschisi professor M.M. Gelis: tayyorgarligi bo'yicha pianinochi, hozirgi mashhur akkordeonchilar, domrachi, balalayka va gitara cholg`uchilari butun bir guruhini tarbiyalagan.

Shunday qilib, musiqa o'qituvchisi faoliyatida "bilim, mahorat, ko'nikma" uchligidagi asosiy tarkibiy qismlar mahorat

yoki ko'nikma emas, balki bilimdir, deb taxmin qilish mumkin. Ya'ni ijro kompetentsiyasi bu musiqa asbobini

mukammal egallashda emas, balki, eng muhim, ijro jarayoni qonuniyatlarini anglashda va musiqa ijro etish mahorat va ko'nikmalarini tarbiyalashda namoyon bo'ladi. [8]

Hozirgi kunda olimlar musiqa o'qituvchilarining kasbiy tayyorgarligi masalasiga turlicha yondashmoqdalar.[5] Ilmiy manbalarning tahlili shuni ko'rsatdiki, uni takomillashtirish quyidagi yo'nalishlarda



Ta'lim fidoyiları-Respublika ilmiy-metodik jurnalı



Guvochnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс @ mail

oshiriladi:

- kasbiy tayyorgarlik jarayonida kompleksli, integratsiyalangan, interaktiv yondashuvni amalga oshirish;
- kasbiy ta'lim tarkibidagi ijobiy o'zgarishlar;
- umumiy ta'lim mакtabida musiqa darslarining o'ziga xos xususiyatlarini va shunga mos ravishda musiqa o'qituvchisi amaliy faoliyatining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olish;
- kasbiy tayyorgarlikning xususiy jihatlarini o'rganish.

Quyidagi muammolar eng katta dolzarblikka ega: musiqa o'qituvchilarining kasbiy tayyorgarligini oshirish bo'yicha yagona kontseptsiya bo'lмаган taqdirda ilmiy tadqiqotlarning ustuvor yo'nalishini tanlash zarurati; musiqiy va boshqa fanlar o'rtaidagi fanlararo aloqalarning zaifligi; ta'lim jarayonida mintaqaviy madaniy xususiyatlarni hisobga olmaslik.[3]

Musiqiy ta'limga pedagogik, ilmiy-uslubiy va ijodiyligi yo'nalishni birlashtirgan yagona klasterni yaratishning asosiy afzallikkleri quyidagilar deb hisoblaymiz:

1. Musiqa ta`limi uchun zamonaviy pedagogik kadr tayyorlashda klasterli yondashuvning muhimligini ilmiy asoslash.
2. Bo`lajak mutaxassislarni ta`lim klasteri asosida amaliyot jarayoniga jalb qilish metodlarini takomillashtirish.
3. Ijtimoiy pedagogik amaliyot bo'yicha xorijiy tajribalarni tahlil qilish va ta'lim tizimimizga tatbiq etish mexanizmlarini ishlab chiqish.

4. Ta`lim tizimi b`o`ginlarida: umumta`lim, qo`shimcha ta`lim, o`rta maxsus, oliy kasbiy ta`limda amaliyot jarayoni tashkil qilish xususiyatlari o`rganish uchun laboratoriya maydonchalarini tashkil qilish, faoliyatni muntazam yo`lga qoyish.

5. Bo`lajak musiqa o'qituvchisi pedagogik amaliyotini tashkil qilish metodik tavshiyalarini ishlab chiqish.

Kutilayotgan natija.

1. Musiqa ta`limi jarayoni tarmoq sub`ektlari o`rtasidagi hamkorlik mexanizmlari, metodlari va shakllari ishlab chiqiladi va aprobatsiya qilinadi.

2. Musiqa ta`limi amaliyoti sohasida zamonaviy ta`lim texnologiyalari va Davlat ta`lim standarti talablari asosida o'quv dasturlarini o'quv-uslubiy majmuasi va texnologik ta'minoti takomillashtiriladi.

3. Таълим klasterining barcha sub'ektlari qiziqishlarini hisobga olgan holda musiqiy pedagogik amaliyot mazmunini tanlash va tuzilishini takomillashtirishga erishiladi. Xulosa. Shu tarzda tashkil qilingan o'zaro ta'sir jarayoni barcha klaster bo`ginlarining raqobatbardoshligini oshiradigan, amaliyotga yo'naltirilgan ta'lim muhitini yaratishga imkon beradi; maqbul vaqt oralig'ida yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlashni ta'minlaydi; kasbda o'zini anglashning individual ta'lim traektoriyalarini yaratishga imkon beradi.



Ta'lif fidoyilar - Respublika ilmiy-metodik jurnali



Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс mail

Foydalaniqan adabiyotlar.

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti “Pedagogik ta`lim sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to`g`risida” PQ-4623 сон. 27 02 2020y
2. Muhamedov G.I.”Pedagogik ta`lim innovatsion klasteri: ehtiyoj, zarurat, natija” Xalq so`zi 15 02 2019.
3. Muhamedov G.I., Xo`jamqulov U.N. “Pedagogik ta`lim innovatsion klasteri: ta`rif, tavsif, tasnif”- TVCHDPI, 2019.
4. Ибраимов Р.А. «Основы мастерства профессионального педагога - музыканта»-Инфоурок-ведущий образовательный портал России, 2017
5. Торхова А.В. [и др.] «Кластерное развитие непрерывного педагогического образования как мировая тенденция»- БГПУ им. М.Танка
6. Салитова Ф.Ш.«О подготовке музыкально-педагогических кадров высшей квалификации в Республике Татарстан: история, современное состояние, перспективы».
7. Muxitdinova M.S.“Pedagogika oliy ta`limida bakalavrлarni tayyorlashda uchrab turadigan muammolar va ularning yechish yo`llari”-Science and www.scientificprogress.uz «SCIENTIFIC PROGRESS» Scientific Journal ISSN: 2181-1601 Volume: 1, ISSUE: 5 470 Education 2020- 241-243 с.
8. Москвина И.В. Актуальные проблемы профессиональной подготовки будущего учителя музыки // Интернет-журнал «Мир науки», 2018 №5



Ta'sim fidoyilar - Respublika ilmiy-metodik jurnali



Guvochnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс mail

MUNDARIJA:

O „ZBEK TILINI O „QITISHDA YOZUV MALAKALARINI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI

1 4

Мухитдинова Хадича Сабировна

QADIMDA INSON HUQUQLARI G`OYALARINING PAYDO BO`LISHI VA RIVOJLANISHI.

2 12

Muzaffarov Ikromjon Nodirbek o`g`li

ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ВА МАЪРИФИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ МОДЕЛИ.

3 16

Арсланова Суғдиёна Анваровна

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

4 24

Мадумаров Талантбек Толибжонович

МУСИҚА САНЬАТИ БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ

5 29

Маҳкамова Шоҳида Раҳматуллаевна

MUSIQA VA MUSIQIY RITMIK HARAKATLAR YORDAMIDA DAVOLASHNING QISQACHA TARIXI

6 35

Asadullayeva Mastura Abduvohobovna

МУСИҚА САНЬАТИ БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ

7 40



Ta'sim fidoyilar - Respublika ilmiy-metodik jurnali



Guvochnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс @ mail

Маҳкамова Шоҳида Раҳматуллаевна

8	JEYN OSTINNING "PRIDE AND PREJUDICE" (ANDISHA VA G.,URUR) ROMANIDA OILAVIY MUNOSABATLAR VA ULARNING JAMIYATGA TA"SIRI	46
9	Tadqiqotchi Sayitqulova Z.H THE USE OF DIALECTAL WORDS IN WORKS OF MARK TWAIN	52
10	Nematova Nargiza Azimovna, G'afurova Vasila Murodillayevna AVSTRALIYA VA OKEANIYADAGI GEOGRAFIK NOMLAR VA ULARNI MAKTAB GEOGRAFIYASIDA O"RGANISH	59
11	Ақрамова Г,Мирзоева И.Э ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРИ	63
12	Мавланов Зомониддин Махамадмусаевич ЁШЛАРНИ ИНФОРМАЦИОН ХУРУЖЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ РОЛИ	66
13	Н. Джухонова, Д. Иброҳимов BOSHLANG"ICH TA"LIMDA YANGI MA"LUMOTLARNI O"ZLASHTIRISH JARAYONINI FAOLLASHTIRISHNING SAMARALI USULLARI.	70
14	Maxkamova E"zozxon Xikmatullayevna OLIY TA"LIM MUASSASASI TALABALARIDA IJTIMOIY-MADANIY KOMPETENTLIKNI SHAKLLANTIRISHNING ASOSIY MEZONLARI	75



Ta'sim fidoyilar - Respublika ilmiy-metodik jurnali



Guvochnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс @ mail

Jakbarova Zarifaxon Solijon qizi

BUGUNGI KUNDA TARIX FANINI O'RGANINSHNING AHAMIYATI

- 15 **Eshonqulova Gulnoz Nu'monovna** 79

ЁШЛАРНИ ИНФОРМАЦИОН ХУРУЖЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА

- 16 **ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ РОЛИ** 82
Н. Джухонова, Д. Иброхимов

OLIY TA'LIMDA MODULLI O'QITISH TEKNOLOGIYASINING AHAMIYATI

- 17 **Djumanqulov Azamat Abdurahimovich** 86

ONA TILI DARSLARIDA INTERFAOL TA'LIM VA UNING DIDAKTIK IMKONIYATLARI

- 18 **Malohat Nazarova** 90

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ТАМОЖЕННОГО КОНТРОЛЯ ТОВАРОВ, ПЕРЕМЕЩАЕМЫХ В МЕЖДУНАРОДНЫХ ПОЧТОВЫХ ОТПРАВЛЕНИЯХ

- 19 **Абдулазизова Альбина** 93

ИНКЛЮЗИВНАЯ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНАЯ СРЕДА КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ

- 20 **Камилова Наргиза Абдукахоровна** 97

МЕНИНГ МАКТАБИМ – МЕНИНГ ФАХРИМ

- 21 **Шухрат Садыков** 108



Ta'sim fidoyilar - Respublika ilmiy-metodik jurnali



Guvochnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс @ mail

“МИФТОҲУЛ-АДЛ” АСАРИ ВА УНИНГ ЁЗИЛИШ ТАРИХИ

- 22 М.Баймиров 113

- 23 ЛЕКСИК ПРЕСУППОЗИЦЯНИНГ МОХИЯТИ, ИФОДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ 116
Махмудов Шухрат Абдулазизович

- 24 ҚАТАҒОНЛИК СИЁСАТИ ФОЖЕАЛАРИ. 121
Дилнора Ақбарова

МАКТАБГАЧА YOSHIDAGI BOLALARNI OVQATLANTIRISH VA UNI TASHKIL ETISHDA XAVFSIZLIK MEZONLARI

- 25 Utanova Naziraxon Maxmudjonovna,Maxmudova Aziza Alisher qizi, 124
Abdusattorova Shaxribonu Alisher qizi

- 26 QORAQALPOQ LINGVISTIKASIDA GENDER TADQIQI 128
Rzamuratova Zlixa Quwatbaevna

- 27 “АЛИШЕР НАВОЙЙ” РОМАНИДА ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТНИНГ
БАДИЙ ТАЛҚИНИ 131
Шомуротова Чарос Равшан қизи

- 28 SHAHAR YO“LOVCHI TRANSPORTI DISPETCHERLIK
BOSHQARUVINI SHAKLLANTIRISH VA TAXLIL QILISH 135
Omonov F.A., Islamov E.B.

- 29 SUNIY YO'LDOSH ALOQA TARMOQLARI VA ULARNING TURLARI 143
Ravshanova Sadoqat Shavkat qizi, Nazarov.A.M

- 30 CORRELATION BETWEEN TERMS OF 5G NETWORKS, IOT AND D2D
COMMUNICATION 146



Ta'sim fidoyilar - Respublika ilmiy-metodik jurnali



Guvochnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс @ mail

Nozima Musaboyeva Bahtiyor qizi

C# DASTURLASH TILIDA FUNKSIYALAR VA ULARDAN FOYDALANISH

31 154

Ibragimova K.U., Inomiddinov S.N.

32 EFFECTIVENESS OF USING DIFFERENT METHODS IN TEACHING ENGLISH 159
Yangiboyeva Umidaxon

33 SOME FORMS OF DIMINUTIVES IN ENGLISH AND SPANISH 162
Mamatkulova Nodira

34 O,,ZBEK XALQ ERTAKLARIDA SAFAR MOTIVI 166
Mashrapova Gulsanam Axadovna

35 УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРДА “ТАРБИЯ” ФАНИГА МУСИҚАНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШДА
КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ 171
Қодирова Феруза Усмановна, Мухитдинова Малоҳат Сайджабборовна

36 BO`LAJAK MUSIQA O`QITUVCHILARINING KASBIY TAYYORGARLIGINI
TAKOMILLASHTIRISHDA KLASTERLI YONDASHUV MASALALARI. 177
Muxitdinova Malohat Saidjabborovna



Ta'sim fidoyiları-Respublika ilmiy-metodik jurnalı



Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс @ mail



Ta'sim fidoyiları-Respublika ilmiy-metodik jurnalı



Guvohnoma № 1170 ISSN 2180-2160

Google Яндекс @ mail

- 188 -

ISSUE 9. SENTABR